



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

## “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!”

Шукуҳ

Давлатимиз раҳбарининг яқинда имзоланган «2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан ушбу айёмнинг инсонпарварлик моҳияти, ўлмас ғоялари, одамзотни тинчлик ва дўстликни қадрлаб, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликда яшашга, ҳаётни янада гўзал ва обод қилишга ундайдиган бунёдкорлик руҳи ва фалсафаси ер юзидаги турли халқларнинг олижаноб интилишларига ҳам ғоят уйғун ва ҳамоҳанглиги алоҳида таъкидланган.

Инсоният тарихида Наврўздан қадимийроқ байрамни топиш қийин. Унинг илдишлари неолит даврига бориб тақалади. Наврўз байрамини нишонлаш одамларнинг ер, унинг коинотдаги ўрни ҳақида мулоҳаза юрита бошлаган даврига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, Наврўз ер ҳақидаги дастлабки илмий-географик тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлаб шаклланган. Бугунги кунда Наврўзнинг 3 минг йилдан ортиқ тарихи ва у бизнинг ўлкамизда пайдо бўлганлиги илмий жиҳатдан исботланган. Абу Райҳон Беруний, Ҳақим Термизий, Абу Мансур Саолибий, Жоҳиз Басорий, Умар Хайёмларнинг тарихий, илмий ва адабий асарларида Наврўзнинг келиб чиқиши, унинг ўзига хос қадимий мерослари тўғрисида қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Наврўз — баҳорги кун ва тун тенглиги пайтида Марказий Осиё ва Шарқ халқлари нишонлайдиган қадимий халқ барамиди. Ушбу байрамнинг пайдо бўлишини Абдулқосим Фирдавсий ўзининг “Шоҳнома” асарида ярим афсонавий шоҳ Жамшид билан боғлайди. Жамшид темир эритиб қурол яшашни, ип йиғириб кийим тикишни, уй ва ҳаммомлар қуришни ихтиро қилади. Ниҳоят, бир куни бир тахт ясашиб, унда осмонга кўтарилади. Бу фарвардиннинг биринчи куни эди. Ҳамма бахтиёр, ғам-андуҳни унутиб, шу куни Жамшидни табриклайди ва байрам янги йил боши бўлиб, анъанага айланиб қолади.

(Давоми 2-саҳифада)

### МЕҲР- ОҚИБАТ АЙЁМИ



### МУЗЕЙГА БОРИШНИ ҚАЧОН ЎРГАНАМИЗ?



### ОЛИМ БЎЛИШ ОСОН, АММО...





(Боши 1-саҳифада)

# “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!”

Умар Хайём ҳам “Наврўзнома” асарида Наврўз нишонланиши ҳақидаги ривоятларни подшоҳ Жамшид даврига тақайди ва шоҳ Каюмарс ҳамал ойининг биринчи куни йил боши ҳисоблансин, деб фармон берганини ҳам эслатиб ўтади. Жумладан, шоҳ Жамшид ҳақида Умар Хайём шундай дейди: “Жамшид шу куни фарвардин ойининг боши Наврўз аталсин, деб фармон берди ва одамларга ҳар йили фарвардиннинг киришини байрам қилишни, уни янги йил деб ҳисоблашни буюрди”. Умар Хайёмнинг “Наврўзнома” китобида Наврўз байрами ўтказишнинг шоҳлар учун махсус тартиб қондаси бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Куёш йили ҳисобида фарвардин ойининг аввалги (22 март) – кеча билан кундузнинг тенглашган вақти ва кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш, баҳорнинг бошланиши даврига тўғри келади. Буни кичик Наврўз байрами ёки оммавий Наврўз байрами дейилган. Фарвардиннинг олтинчи куни эса катта Наврўз байрами ёки махсус (хусусий) Наврўз байрами деб аталган. Анъанага кўра, кичик Наврўз байрамидан бошлаб ҳамма нарса амалга қиради, деб ҳисоблашган.

Наврўз байрами Марказий Осиёда ислом дини қабул қилинмасдан анча илгари мавжуд бўлган. Бу ҳақда Абу Райҳон Берунийнинг “Китоб ат тавҳим” (“Тушунтириш”) ва “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарларида ҳам маълумот берилган.

Наврўз байрамини дастлаб деҳқончилик, хунармандчилик билан шуғулланувчи ўтроқ аҳоли, кейинчалик бу байрамни ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқлар ҳам байрам сифатида нишонладиган бўлдилар. Шамсия (Куёш) йили ҳисобида йилнинг биринчи куни деҳқончилик ишларининг бошланиши ҳисобланади. Халқлар бу кунда яхши ният тилаган ҳолда, ҳовли-жойларни тозалаш, гуллар экиш, дала-дашларга мевали дарахт кўчатларини ўтказиш ишларини бошлашган. Наврўзда яхши бир анъана бўлиб, бу кунда ота-о-

на, яқин қариндош, дўстлар, беморлар, маҳалладошлар ҳолидан хабар олиш, марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилиш каби инсоний фазилатлар одат тусига кирган.

Марказий Осиё ва Эрон ерларида зардуштийлик дини шакллангач, Наврўзга хос урф-одат ва анъаналар кирган ва диний байрам сифатида ўтказиш одатга айланган. Ўша даврда зардуштийлик мафқурасига мос келадиган календарь ижод қилинган, унинг охириги ислоҳи сосонийлар сулоласидан бўлган Яздигард даврида амалга оширилганлиги учун Яздигард календари деб номланган.

Бу календарь 365 кунлик куёш (шамсий) календари бўлиб, унинг 12 ойи 30 кундан 360 кун бўлган, қолган 5 куни ҳеч бир ойга кирмаган, бу 5 кун 21 мартда келадиган янги йил олдидан алоҳида ҳисобланган ва бу кунларда Наврўз олдидан ибодат қилинган ҳамда тайёргарлик кўришган.

Ислом дини пайдо бўлгач, Марказий Осиё халқлари, Эрон, Афғонистон ва Кавказ халқлари исломлаштирилгандан кейин бу календарь амалда қолган. Барча исломлаштирилган минтақаларда ислом анъанаси бўйича 354 кунлик ҳижрий камарий йил ҳисоби амалга киритилади, ислом урф-одатлари ва анъаналари ана шу календарь бўйича адо этилади. Ислом динидаги баъзи бир кучлар зардуштийликни ва унинг анъанаси билан боғлиқ бўлган Наврўзни тақиклаш учун узоқ вақт тарғибот олиб борган.

Наврўз XI асрда шарқ астроном мунажжимлари ишлаб чиққан ва амалга киритган 365 кунлик куёш календари бўйича киритадиган янги йилнинг бир куни сифатида (бу ҳам 21 мартдан) байрам қилинади. Бу календарь Малик шоҳ (хукмронлиги (1072-1097 йиллар) даврида киритилган, унинг ойлари юлдуз туркумлари номи билан аталгани учун “буржий” (яъни, юлдуз туркумлари – арабча бурж ёки ҳозирги астронимик) календарь деб номланган. Қадимда Наврўз бир ҳафта, аниқроғи, олти кун байрам қилинган.

Буюк аллома Ҳаким Термизий-

нинг “Наврўзнома” асарида Наврўзнинг ҳафтанинг қайси кунда келишига кўра бирорта сайёрага тааллуқлигини қуйидагиларда кўришимиз мумкин: Наврўз душанба куни келса, ойга тааллуқли бўлиши ва ёмғир кўп ёғиши, ноз-неъматларга бой йил бўлиши, сешанба куни келса, Миррих (Марс)га тааллуқли бўлиши, чоршанба куни келса, Аторуд (Меркурий)га тааллуқли бўлиб, роҳатчилик бўлиши, пайшанба куни келса, Муштарий (Юпитер)га тааллуқли бўлиб, баъзи жойларда неъматлар кўп, баъзи жойларда кам бўлиши, қор-ёмғир кўп ёғиши, жума куни келса, Зухра (Венера)га тааллуқли бўлиб, йил шодлик ва фаровонлик йили бўлиши, шанба куни келса, Зухал (Сатурн)га тааллуқли бўлиб, ёмғир кўп ёғиши, кузги экинларнинг яхши бўлиши, киш охирида қаттиқ совуқ бўлиб, киш узоқ бўлиши, якшанба куни келса, у куёшга тааллуқли бўлиб, йилнинг фаровон бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Ўтмишда халқимиз янги йилни ҳамал ойи билан белгилаганлари бежиз эмас. Ҳамал (қўзи) ойида қўйлар қўзилаб, қурт-қумурсқалар уйғонган, бойчечагу – гулқароқбиллар хуснини кўз-кўз этган. Сўнг ота-боболаримиз телпагини ечиб, дўппи кийиб, топган-тутганларини олиб чиқиб, базм қилганлар.

Наврўз ва унда тайёрланадиган таом турлари кўпгина ёзма ёдгорликларда сақланиб қолган. Муҳаммад Наршахий ўзининг 944 йилда ёзган “Бухоро тарихи” асарида Наврўзга бағишлаб ҳалим, сумалак ва ҳар хил кўкатлардан тайёрланадиган таомлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган.

Наврўз байрами ЮНЕСКО томонидан 2009 йилнинг 30 сентябрь куни номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган бўлиб, 2010 йилнинг 19 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 64-сессиясида 21 мартни “Халқаро Наврўз куни” сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу тариқа Наврўз бирор бир миллат ёки маданиятнинг байрами сифатида эмас, балки бутун инсоният меросининг бир қисмига айланди.

Ўзбек халқи ҳам Наврўзни қадим замонлардан буён янги йилнинг бошланиши деб қувонч билан қарши олганлар. Одатда, Наврўз байрамидан 15 кун олдин буғдой ёки арпани ундиришга қўйилган ва унинг майсасидан Наврўз байрами кунлари сумалак қилинган. Сумалак сайлининг байрам сифатида шаклланганлиги ҳақида турли ривоятлар бор. Шулардан бири: деҳқон олиб қўйган охириги донни тезроқ экиш учун яхши ниятлар билан олдинроқ ивтиб қўяди. Бироқ бирдан об-ҳаво бузилади. Буғдой идишда ниш уриб ўса бошлайди, об-ҳаво яхшиланавермайди. Деҳқон оила аъзолари оч турган пайтда буғдойни нобуд қилмаслик чораларини излай бошлайди. У таваккал қилиб ниш урган ва анча бўй кўтарган донни қиймайди ва хотинига бундан таом пиширишни буюради. Уй бекаси уни узоқ вақт қайнатади. Қарангки, оққўнгил деҳқоннинг нияти холис чиқади. Ундан хиди ёқимли, ўзи тўйимли, мазаси эса тановул қилган кишининг узоқ вақт эсида қоладиган даражада ширин таом ҳосил бўлади. Бу таом борган сари халқ ўртасида кенг тарқалиб, баҳорги энг лаззатли таомига айланади.

Ёшлар Наврўз байрамини кечаси билан ухламасдан, эртақ ва ҳикоялар айтишиб, ўйин-кулги билан кутиб олишган. Наврўз байрамининг биринчи куни отчопар, улоқ, кураш сингари ўйинлар ўтказилган.

Ёшлар баҳор ҳақида қўшиқ айтганлар. Агар Наврўз байрами арафасида бирор киши вафот этган бўлса, дафн этиш кечиктирилган. Наврўз байрамида мотам маросимлари ўтказилмаган.

Наврўз байрамида кўкат чучвараси, ялпиз, сомса каби янги таомлар пиширилган. Наврўз байрами янги йил байрамига бўлмай, у аввало, меҳнат байрами, деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам бўлган.

Наврўз тарих назмидан тушмайдиган қадимий ва боқий байрамдир.

**Б. ҚОДИРОВ,**  
Ижтимоий-маънавий  
тадқиқотлар институти Илмий  
экспертиза бўлими бошлиғи



**Бир неча кундирки, ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментида тарих фанлари номзоди Бахтиёр Алимжановнинг интервьюси кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.**

## ОЛИМ БЎЛИШ ОСОН, АММО...



Гап шундаки, замонавий ўзбек қизлари ҳақида сўз юритаркан, Алимжанов уларнинг “бокиралик”ни асрашга интилишини «ўзбек жамиятидаги катта муаммо эканини» қайта-қайта такрорлайди.

Унинг гапларидан англаганим шу бўлдики, хорижда таҳсил олган, русча, инглизча гапирадиган, замонавий ўзбек қизлари ёши улғайгач, иффатини сақлаши керак эмас. Бу уятли ҳолат ва уни ҳар томонлама ўрганиш керак. 2024 йилда ҳам қизларнинг “иффат чегараси”ни ошиб ўтолмаслигини тушуниш қийин. У қизларни эмас, қизлар уни ўпиши керак. Маънавият деган нарсалардан воз кечиш лозим. Ҳақиқий ўзбек қизи 18 ёшдан кейин ота-онасини эмас, фақат ўз бахтини ўйлаши, худбин бўлиши керак ва ҳоказолар...

Бир қарашда пойинтар-сойинтар кўринган бу гаплар маст одамнинг алжирашига ўхшаб кетади. Аммо мақсад-муддао ўзбек қизлари, ўзбек менталитети устидан кулиш, ёшларимизни маънавий бузукликка ундашдан бошқа нарса эмас. Акс ҳолда, бирор бир иймони, акли бутун ўзбек иффатни, бокираликни “замондан ортда қолиш”, “муаммо” деб атамаган, “ўзбек қизи ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиши керак” демаган бўларди. Хуллас, унинг бу борадаги фикрларини танқид қилиб ўтирмақчи эмасман. Ҳар ким ўзи билади қандай хулоса чиқаришни.

Ўзи кейинги пайтларда Бахтиёр Алимжановнинг интервьюлари, мақолаларидан то “имижи”гача анчадан бери муҳокамаларга сабаб бўлиб келяпти. Ўтган йилнинг ёз ойларида унинг буюк боболаримизнинг эътиқодлари ҳақидаги мулоҳазалари жиддий эътирозларни келтириб чиқарган, у Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур сингари аждодларимизни салкам кофирга чиқа-

риб қўйганди. Ҳолбуки, Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарининг илк сатрлари унинг эътиқодини яққол кўрсатади: “Раҳмли ва меҳрибон Аллоҳ номи билан. Мактов тенглаштириладиган ва ўхшатиладиганларнинг (ҳаммасидан) юқори турувчи Аллоҳга аталгандир. Барча инсонларнинг улуғи бўлган Муҳаммад (с.а.в.) га тўғри йўл ва ҳақиқат раҳнамолари бўлмиш унинг хонадонига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!”. Ибн Сино ҳақидаги тарихий маълумотлар ҳам алломанинг иймон-эътиқодда собит бўлганига далолат қилади. Ибн Сино Куръон илми, ҳадис ва араб тили грамматикасини чуқур ўрганган, 10 ёшидаёқ Куръони каримни тўлиқ ёд олган, “Ихлос” сураси тафсирига бағишланган махсус рисола ҳам ёзган. Б.Алимжановнинг Амир Темурнинг тангричилик динига эътиқод қилгани, унинг шомонлар одатига кўра дафн қилингани, кейинчалик унинг макбараси Шохрух даврида исломлаштирилгани ҳақидаги даъволари ҳам тарихий мантиққа мутлақо зид. Амир Темур Ислом арконлари, Куръон ҳукмларини яхши билгани ва уларга амал қилгани ҳақида юзлаб мисоллар бор.

Яқинда россиялик бир вайсақининг “ўзбеклар 1917 йилдан кейин пайдо бўлди” деган даъвоси асабларни эговлаб турган бир пайтда, интернетда Б.Алимжановнинг “Ўзбекдан Ўзбекистонликкача” деган мақоласи чоп этилди. Унинг фикрича, ўзбек сўзи ўрнида ўзбекистонлик атамасини муомалага киритиш лозим, ўзбек этноними кўпмиллатли халқни бирлаштиришга қодир эмас.

Тан олиш керакки, анчадан бери шунга ўхшаган айрим зиёлилар “Ўзбекистон” номини ўзгартириш, мамлакат ундаги ҳар бир халққа тегишли эканини ҳисобга олиб, Турон, Сўғдиёна сингари нейтрал номларни бе-

ришни таклиф қилиб келишади. Бир неча йил аввал ўзбек тили билан бирга бошқа тилларга ҳам давлат тили мақоми бериш керак, деган даъволарни илғари суришган эди. Ана шундай ғайриоддий даъволар замирида ўзбекларни миллат сифатида тарих сахнасидан сиқиб чиқариш, бошқа миллатларга қўшиб юбориш ёки парчалаб ташлаш истаси йўқмикин, деб ўйлаб қолсан, киши.

Одатда, спорт журналистикаси терминологиясига кўра, спортчиларни у мансуб мамлакатдаги асосий халқ номига нисбат бериб тилга олишади. Дейлик Ўзбекистон номидан иштирок этган ҳар бир спортчи миллатидан қатъи назар, ўзбек спортчиси, деб айтилади. Дунёнинг етакчи давлатларида ҳам Б.Алимжанов даъвосининг тескарисини кўриш мумкин.

Айтайлик, Францияда араб ҳам, ҳабаш ҳам, фаранг ҳам миллати ё ирқидан қатъи назар, француз деб аталади. Туркияда туғилган ҳар бир фуқаро сиёсий нуқтаи назардан турк саналади. Қолаверса, давлат қайси халқ номи билан аталса, ўша тилга давлат тили мақоми берилди. Бошқа миллатлар “бизнинг ҳуқуқларимиз камситилмапти” деётгани йўқ, деёлмайди ҳам. Шундай экан, нима учун Ўзбекистонда тарихий «ўзбек» этнонимини четга суриб, ҳаммага нисбатан «ўзбекистонлик» атамасини қўллаш керак?

Хўш, бир қараса миллатга, гоҳ умматга, гоҳида иффатга осилладиган бу олим ким ўзи? Нега ўзининг томдан тараша тушгандек, куракдаям, элакдаям турмайдиган мантиқсиз мулоҳазалари билан одамларнинг ғашига тегмоқда? Шу саволларга жавоб излаб, интернетда у ҳақидаги маълумотларни ҳам излаб кўрдим. Унга кўра, Бахтиёр Алимжанов 1985 йилда Тошкентда туғилган, Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети-

ни битирган. 2017 йилда “Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлигидаги иқтисодий сиёсати” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Москва давлат университетида бир неча бор маърузачи сифатида таклиф этилган. 2019 йил мартда “Марказ ва минтақалар: 1894-1917 йилларда Россия Империясининг ҳудудлардаги иқтисодий сиёсати” мавзусидаги ишланмалари учун Россия Илм-фан фондининг грантини олган. Айни пайтда Россия Федерациясининг “МИФИ” Ядро тадқиқотлари миллий университети Тошкент филиалида доцент лавозимида ҳам ишларкан. 2021 йилда айнан шу университетда малака оширган Қисқаси, олимнинг фаолияти асосан Россия билан боғлиқ экани ҳам эътиборлидир.

Дунёвий жамиятларда инсоннинг қайси мамлакат, тузум ёхуд мафқурани афзал кўриши, қандай фикрлаши, кийиниши, юриш-туриши, эътиқоди одатда, муҳокама қилинмайди. Аммо, ҳеч бир ҳукумат кимгадир ўз халқининг миллий менталитети, аҳолисининг эътиқоди ва миллий манфаатларини аёвсиз топташ, устидан кулиш, масхара-ралаша ҳуқуқини бериб қўймаса керак.

Кейинги пайтларда одамларнинг салбий муносабатлари орқали танилиш янгилик бўлмай қолди. Эҳтимол, бу олим ана шундай ноанъанавий сўзлари билан омманинг эътиборини ўзига жалб қилиб, ўзини-ўзи пиар қилаётгандир? Нима бўлганда ҳам, ёши қирқни қоралаб қолган зиёли учун ҳар бир хатти-ҳаракат ва фикр-мулоҳазани бирров мантиқ тарозисида ўлчаб олиш, мақсад арзон шон-шухрат орттириш бўлган тақдирда, халқнинг миллийлиги, қадриятлари, дунёқараши ва муқаддас отидан бошқа, арзонроқ воситаларни излаш зиён қилмасди.

**Рустам ЖАББОРОВ**



# ҲАР ТОМЧИСИ БЕБАҲО

**Сув — тириклик манбаи, ҳаётнинг энг муҳим элементи, мавжудлигимиз моҳиятидир. Оби ҳаёт бизнинг томирларимиздан оқиб ўтади, табиатимиз, бутун борлик, тирик жон борки, сувсиз бир кун ҳам яшай олмайди. Шунга қарамай, ҳозирги глобаллашув даврида сув билан боғлиқ мисли кўрилмаган муаммоларга дуч келмоқдамиз. Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамлар тоза ичимлик сувидан маҳрум, лекин, кўпчилигимиз буни оддий ҳол, деб билмоқдамиз. Глобал исиш, музликларнинг тобора камайиб бориши, атроф-муҳит ифлосланиши ва шу каби кўплаб омиллар сув танқислиги, захираларнинг тобора камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолат ўз-ўзидан бугунги кунда сувга бўлган муносабатимизни кескин ўзгартириб, сув ресурсларини тежаш, ундан оқилона фойдаланишимизни талаб қилмоқда.**

Сайёрамиздаги тоза ичимлик суви захирасини асраш, ундан оқилона фойдаланиш, саноат ва ишлаб чиқариш жараёнини табиатга зарар етказмайдиган тарзда “экологик тоза” инновацион услублар билан йўлга қўйиш ва турли таълим усуллари билан фойдаланиб, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш каби долзарб муаммоларга инсоният эътиборини қаратиш мақсадида ҳар йили 22-март – Бутунжаҳон сув куни сифатида дунёнинг деярли барча давлатларида нишонланади. Бутунжаҳон сув кунининг тарихига назар соладиган бўлсак, 1992 йилда Рио Де-Жанейрода ўқазилган БМТнинг “Атроф муҳит ва ривожланиш” конференциясида бутун жаҳонда сув ресурслари кунини нишонлаш таклифи билдирилган. БМТ Бош ассамблеяси 1993 йил 22 февралда (47/193 сонли) резолюцияни имзолади ва 22 март кунини “Бутунжаҳон сув куни” деб эълон қилди.

Резолюцияда барча ижтимоий-иқтисодий фаолият суви ва унинг сифатига сезиларли даражада боғлиқ бўлгани ҳолда, ушбу масалага етарлича эътибор қаратилмаётгани, аҳоли сонининг ўсиши, шунингдек, кўплаб давлатларда иқтисодий фаолиятнинг кенгайиши натижасида исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани, сув захираларини асрашга, ундан тежамкорлик билан фойдаланишга жамиятни маҳаллий, миллий, минтақавий ва халқаро дара-

жада огоҳликка чақириш зарурати вужудга келгани қайд этилган.

Таъкидлаш ўринлики, сайёрамиз экотизимида беқиёс аҳамиятга эга бўлган сув захираларига инсониятнинг салбий таъсирини чеклаш орқали нафақат иқлим ўзгариши билан боғлиқ, балки бошқа кўплаб глобал муаммоларни ҳам ҳал этиш мумкин. Аммо саноат ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиши натижасида бу салбий таъсир йилдан-йилга кучаймоқда. БМТ маълумотларига кўра, ҳозирги кунда деярли 80 фоиз оқова сувлар тозаланмасдан дарё ва денгизларга, ҳатто чучук сув ҳавзаларига оқизилмоқда. Бу эса шундоқ ҳам чекланган чучук сув захирасининг янада қисқаришига олиб келмоқда.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг 29 фоизи тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекаётганини, ҳар куни мингга яқин болалар тоза ичимлик суви истеъмол қилмаслик ва ёмон санитар-гигиеник шароитларда яшаш натижасида вафот этаётганини кўз олдимизга келтирсак, олдимизда турган муаммонинг кўламини янада теранроқ англаймиз.

Ушбу долзарб масалалар Марказий Осиё минтақасини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилгача сув ресурслари Сирдарё ҳавзасида 5 фоизгача, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда.

Хусусан, сув ҳавзаларига етка-

зилган салбий таъсир натижасида бутун экологик тизим издан чиқишини Орол денгизи фожиаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. XX асрнинг биринчи ярмида майдони деярли 68 минг, сув ҳажми 1000 дан ортиқ бўлган улкан денгиз майдони қишлоқ хўжалиги учун янги ерларни ўзлаштириш ва тежамкорлик билан ишламайдиган гидротехника воситалари туфайли деярли 80 фоизга қисқариб, ўрнида қум-тузли Оролқум чўли пайдо бўлди. Натижада денгиз флора ва фаунаси ҳалокатга учради, унумсиз шўр тупроқ қуруқликда яшовчи ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қирилиб кетишига, чанг-тузли бўронлар эса атмосферанинг ифлосланишига олиб келди. Оролбўйи минтақасининг саноат, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик каби иқтисодий тармоқлари қатта талофат кўрди. Минтақа аҳолисининг саломатлигига жиддий хавф туғилди. Маълумотларга кўра, ҳар йили 15-75 млн тонна туз, кимёвий ўғитлар ва захарли моддалардан иборат чанг атмосферага кўтарилади. Бунинг таъсирида минтақада атмосферанинг ифлосланиши 3 маротаба, ҳаводаги ўртача чанг микдори 6-7 маротаба ортди. Аҳоли орасида сил билан касалланиш даражаси жуда юқори.

Ҳозирда мамлакатимизда Орол денгизи фожиаси оқибатларини бартараф этиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, чанг бўронлари муаммосини ҳал қилиш учун Орол денгизи ўрнидаги 1 млн гектар майдонга 2030 йилга қадар тузга чидамли дарахт кўчатларини экиш ишлари режа асосида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигига бозор тамойиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув хўжалиги объектларининг ишончли ишлашини таъминлаш

ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2020 йилда сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси қабул қилинди.

Концепция асосида суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентини 0,63 дан 0,73 гача ошириш, сув таъминоти паст даражада бўлган суғориладиган ер майдонларини 560 минг гектардан 190 минг гектаргача камайтириш, Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмолини 25 фоизга камайтириш, барча ирригация тизими объектларига “Smart Water” (“Ақлли сув”) сув ўлчаш ва назорат қилиш қурилмалари ўрнатилиб, сув ҳисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этиш, 100 та йирик сув хўжалиги объектларида сувни бошқариш жараёнларини автоматлаштириш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 миллион гектаргача, шу жумладан, томчилаб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш, сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида 50 та лойиҳани амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Мухтасар айтганда, бугун агрофимизда рўй бераётган сув билан боғлиқ экологик муаммолар барчамиз учун огоҳлик кўнғироғи ҳисобланади. Бундан ҳар биримиз тегишли хулоса чиқариб, сувни тежаш ва исроф қилмаслик тамойилини кундалик мезонимизга айлантиришимиз зарур. Зеро, глобал муаммолар, аслида, кичик эътиборсизликлардан келиб чиқишини унутмайлик. Бугун бизга ҳаёт ва завқ улашаётган тоза ичимлик сувидан келажак авлод ҳам баҳра олишга ҳақли.

**Сухроб БОЗОРОВ,**  
**Инсон ҳуқуқлари бўйича**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Миллий маркази етакчи**  
**мутахассиси**

## МЕХР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

*Кечагина қиш эди,  
рутубатли қиш. Инсон  
табиати хуш кўрмайдиган,  
этни чимчилаб-чимчилаб  
оладиган, айниқса,  
болажонларнинг юзларини  
қизартириб, кўзларидан дув-  
дув ёш оқизадиган, бунинг  
устига ишнинг баракасини  
қочирадиган изгиридли қиш.  
Хаво кундуз ҳам, кечаси  
ҳам неча бор турланиб,  
неча бор нурланиб турса-  
да, қовогидан қор ёққудек  
хўмрай, совуқ нафаси еру-  
кўкни чирқиратар, тирик  
жоннинг на дили, на тили  
яйраб эди.*



Офтоб гоҳ-гоҳи бир зумгина ярқираб, сўнг яна ғойиб бўлгани каби, ой ва юлдузлар ҳам ҳусни-жамолини бирпасгина кўз-кўз қилиб, яна зулумот ичра ғарқ бўларди. Ҳар замон-ҳар замон хуморидан чиққунча ёғадиган қор бутун борликни бағрига олар, она Ер устига тўшалган бу оппоқ кўрпа деҳқонман деганнинг қувончини ошириб-тоширар, эрта-индин униб чиқади-ган бугдойининг хирмон-хирмон ҳосилини кўз олдига келтириб, кучига-куч, ғайратига-ғайрат кўшиларди. Боғбонлар эса ишкилиб кўпнинг ризки-насибаси бўлган мевали дарахтларни совуқ урмасин-да, дея юрак ҳовучлаб ўтирар, чўзилган қишнинг тезроқ хайр-хўшлашини интизор бўлиб кутардилар. Тўғрида, қиш қишлигини вақтида қилиб, ҳаддидан ошмай иззат-икром билан борадиган жойига боргани яхши. Ана шунда қиш ҳам кадр-қимматли бўлади. Аллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсин, бир фаслнинг иккинчисига зиёни тегишига йўл бермайди. Мабодо қиш баҳорнинг уйида тўрт-беш кун меҳмон бўлса, Ўзи гўзаллик фаслини қўллаб-қувватлаб, ишларига ривож беради. Бу шубҳасизки, Худойимнинг бандасига бўлган меҳрибонлигию ғамхўрлиги аломатидир.

Мана, ниҳоят судралган қишни кузатиб, оғир ва иссиқ кийимларимизни ечиб, қушдек енгил бўлиб, соғиниб қутилган фасли навбаҳорга ўзгача шоду-хуррамлик билан кучоқ очдик. Энди мунаввар тонгда уйғониб, кўм-кўк мусаффо осмонни, олисдаги тоғлар ортидан чарақлаб чиқиб келаётган ҳароратли куёшни, дерзамиз рўпарасида қийғос гуллаган бодом дарахтини, шохларда чуғурлашиб турган қушчаларни кўриб, кўзларимиз яйраб, дилларимиз баҳорий ғуруру сурурга тўлмоқда. Хур-хур эсаётган ёқимли еллар қайдандир таралаётган дилбар кўшиқ

оҳанглирини олиб келиб, тилимизнинг нозик торларини черта бошлайди. Вужуд-вужудимизга сингиб кетган кўшиққа беихтиёр жўр бўламиз:  
*...Мана сенга олам-олам гул,  
Этагингга сикқанича ол.  
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,  
То ўлгунча шу ўлкада қол...*

**Кўнгилларимизу хонадонларимизни байрам шукуҳига, меҳр-оқибат, тинч-тотувлик, дўстлик, биродарлигу қон-қардошлик туйғуларига лим-лим тўлдирган бу байрамнинг улуғлигию қутлуғлиги шундаки, азал-азалдан Наврўз куни гинаю аразлар унутилган, давлатлар ўртасидаги урушлар тўхтатилган. Шунинг учун ҳам Наврўз дунёнинг барча мусулмон давлатларида кенг нишонланиб келинмоқда. Унинг нуфузи йилдан-йилга ошиб, минглаб миллат ва элатларни ўзига ром этиб, халқаро байрамга айланганлиги, давраси янада кенгайиб бораётганлиги фикримизнинг ёрқин далили.**

Ҳа, тунда ўрик дарахтида рўй берган мўъжиза тонгда бизга олам-олам оппоқ гул ҳада этади. Бу гўзал манзара ҳар баҳор такрор бўлиб, қанчадан-қанча кўзларни, қанчадан-қанча сўзларни ўзига мафтуну маҳлиё қилади. Шоирлару мусаввирларни ошуфта айлаб, илҳом беради, каттаю кичикни шоду-хуррам этмоқ учун дийдорига чорлайди.

Бугун янги кун — Наврўз. Орзиқиб кутган бетакрор, улуғ ва қутлуғ миллий байрамимиз. Эрта тонгдан шаҳар ва қишлоқларимиз узра янграган карнай-сурнай садолари кун билан

туннинг тенглашганидан, одамларни бирлашиб, аҳил яшашга, оқибатли бўлишга, эл-юрт ободлигию фаровонлиги йўлида елкама-елка ҳалол меҳнат қилишга, тинчлик учун курашишга неча минг йиллардан буён даъват этиб келаётган қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни муҳасам этган Наврўзи олам юртимизга ташриф буюрганидан дарак бермоқда. Кўнгилларимизу хонадонларимизни байрам шукуҳига, меҳр-оқибат, тинч-тотувлик, дўстлик, биродарлигу қон-қардошлик туйғуларига лим-лим тўлдирган бу байрамнинг улуғлигию қутлуғлиги шундаки, азал-азалдан Наврўз куни гинаю аразлар унутилган, давлатлар ўртасидаги урушлар тўхтатилган. Шунинг учун ҳам Наврўз дунёнинг барча мусулмон давлатларида кенг нишонланиб келинмоқда. Унинг нуфузи йилдан-йилга ошиб, минглаб миллат ва элатларни ўзига ром этиб, халқаро байрамга айланганлиги, давраси янада кенгайиб бораётганлиги фикримизнинг ёрқин далили. Буни юртимиздаги юздан ортиқ миллат вакиллари-нинг бир оила фарзандларидек ака-ука, опа-сингил бўлиб яшаётганлигию барча байрамлар сингари Наврўз айёмини ҳам катта дастурхон атрофида жамул-жам бўлиб, зўр тантана билан нишонлаётганликларидеяк қол кўриш мумкин.

Бугун улуғларимиз дуога қўл очиб, энг аввало дунёмиз тинч бўлсин, мамлакатлар ўртасидаги урушлару зиддиятлар барҳам топсин, юртимизу халқимизга кўз тегмасин, ҳар бир кунимиз

Наврўз байрамидек ўтишига Худойим насиб этсин, дея омин дейдилар. Нуроний боболаримизу бувиларимизнинг, оталаримизу оналаримизнинг ана шундай тилаклари илойим вожиб бўлсин!

Наврўзи оламини тараннум этаётган кўшиқларимизу шеърларимиз янада баландроқ янграб, халқимизни буюк зафарлар сари чорлайверсин!

*Бахтимизга тинч бўл, омон бўл, юртим,  
Жаҳон ичра жону жаҳон бўл, юртим.  
Улуғ байрамларга макон бўл, юртим,  
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!*

Нуриддин ОЧИЛОВ.



MKBANK jamoasi barcha yurtdoshlarimizni betakror bahor ayyomi — Navro'zi olam bilan samimiy muborakbod etadi! Yangilanish bayramida qalbingizni shodlik, xonadoningizni fayzu baraka, taningizni sihat-salomatlik hech qachon tark etmasin. Xalqimizning sevimli ayyomi Navro'z barchamizni ulkan yutuq va muvaffaqiyatlar sari ilhomlantirsin!

*21-mart*  
*Navro'zi olam muborak!*

Bank ofislarimizda  
**100 MLN.**  
so'mgacha



**MIKROQARZ**  
**OLING!**



# Agrobank

“Агробанк” АТБ жамоаси  
юртдошларимизни  
Наврўз байрами  
билан муборакбод этади.  
Барчангизга мустаҳкам соғлиқ,  
юртимиз равнақи йўлидаги  
эзгу ишларингизда  
улкан зафарлар тилайди.



Biznesni  
Rivojlantirish  
Banki

NAVRO'Z  
muborak  
bo'lsin!



## AVTOKREDIT

- Avtomobil qiymatining 85%gacha ajratiladi
- Kredit muddati 5 yilgacha
- Kredit foizi yillik 23%dan boshlanadi

1254





*Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган тамойил бугун ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида яққол кўзга ташланмоқда. Одамларни рози қилиш, уларнинг тинч ва фаровон умргузаронлик қилиши учун катта-кичик раҳбарлар, мутасадди ташкилотлар сафарбар этилмоқда. Бундай эзгу одимлар туфайли бошқа жойларда бўлганидек, Жомбой туманида ҳам ҳаётий ислоҳотлар, аниқ амаллар бажарилмоқда. Янгидан янги турар-жой бинолари, мактаб ва боғчалар, зиё масканлари қад ростламоқда. Ижодкор ва спортчи ёшлар, эртанги кунга ишонган ўғил-қизлар вояга етмоқда. Буларнинг бари Наврўзга муносиб пешвоз чиқаётганимиздан далолатдир. Янги Ўзбекистонимизнинг улугвор ислоҳотлари бардавомлик касб этиб, Навоий бобомиз айтганларидек, илоҳим, ҳар тунимиз қадр бўлиб,*

*ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!*

*Жомбой тумани  
ҳОКИМЛИГИ*



# Хотин-қизлар учун онлайн дастёр

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, улар учун янги иш ўринларини яратиш, касб-хунарга ўргатиш ва тадбиркорлигини ривожлантириш, турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

## Интилиш

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 февралдаги фармони билан имзоланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 30 мақсадида ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун “Қизлар академияси” платформасини ишга тушириш белгиланган.

Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланаётган даврда ёш хотин-қизларни ҳам замонавий касбларга жалб қилиш давр талаби бўлмоқда. Ушбу платформа хотин-қизлар илм-фан, инновацион фаолиятнинг барча соҳаларида ўз билимларини ошириш, дунёқарашларини кенгайтиришлари, тажриба алмашишлари учун кенг имконият яратади. Бугунги кунда олиб борилаётган муҳим ислохотлардан бири, бу хотин-қизларни нафақат оилада, балки жамиятда ҳам ўз ўрнини топиши, иқтидор ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун зарур шароит яратишдан иборат. Зеро, бугун аёллар фарзанд тарбияси, турли соҳалар, маҳаллаларда фидойилик кўрсатмоқда. Уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда

бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мазкур платформадан кўзланган асосий мақсадлардан бири, хотин-қизларни бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш.

Қайд этиш керакки, халқимиз азал-азалдан хотин-қизларга алоҳида ҳурмат билан эътибор қаратган. Аёлларимиз аввало, она сифатида қадрланган, эъзланган. Сабаби, бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажакимиз ҳам бевосита уларга боғлиқ. Сўнгги йилларда хотин-қизларга яратилаётган шарт-шароитлар, имконият ва шароитлар уларни жамиятда мустақкам ўрин эгаллаши учун мустақкам замин яратмоқда. “Қизлар академияси” платформаси ҳам ёш хотин-қизларни юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини янги босқичга кўтариш, жамиятда аёллар мавқеини оширишни мақсад қилгани билан аҳамиятлидир. Жорий йилда бу ишлар янада жадаллашади.

Маълумки, ҳар қандай иқтидор қўллаб-қувватланмаса, эътибор қаратилмаса ривожланмайди. “Қизлар академияси” платформаси бу борада кўплаб ана шундай хотин-қизларга асқотиши аниқ. Мазкур платформа 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш хотин-қизларни илмий салоҳиятини,

ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган муҳим лойиҳалардан бири. Бу лойиҳа орқали энг чекка ҳудудлардаги танлаган соҳалари бўйича билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиш истагида бўлган қизларга еттида модуль асосида маълумотлар берилди. Платформа асосан бугунги замон талабларидан келиб чиқиб йўналишларга бўлинган. Платформада бевосита, репродуктив ва саломатлик модуллари ҳам бор. Бу модуллар ёш қизларимизда юзага келадиган турли репродуктив муаммолар ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ ахборотларни ўз ичига олади.

Қайд этиш керакки, аини пайтда жамиятимизда ёш хотин-қизларнинг асосий муаммоларидан бири, бу ҳуқуқий саводхонликни етишмаслиги, давлатимиз томонидан улар учун яратилган имконият ва имтиёزلардан тўлиқ хабардор эмаслигида. Ана шу маънода “Қизлар академияси” платформаси муҳим аҳамият касб этади. Лойиҳа доирасида ёш хотин-қизларни замонавий касбларга ўргатиш борасида ҳам бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, IT, тадбиркорлик, маркетинг, психология, нотиклик санъати каби йўналишларда бепул тахсил олиш ишлари йўлга қўйилади.

Бугунги кунда билимларни янгилаб, касбий маҳоратларини ошириш, тажриба алмашиш ҳар бир соҳа мутахассислари учун энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Айнан шундай платформаларнинг ташкил этилиши ёш хотин-қизларимиз учун янги билимларни олишлари, соҳаларига доир турли танловларда иштирок этиб, қобилиятларини рўёбга чиқа-



ришларига, нуфузли ташкилотларда амалиёт ўташлари ва кейинчалик ишга жойлаштиришлари имкон беради.

Ана шу мақсадда Денов туманидаги 101-мактабда ҳам “Мохир қўллар” тўғраги, “Пазанда қизлар” академияси ташкил этилди. Мазкур тўғрақларда ўқувчи қизлар тикиш-бичиш ва пазандачилик сирларини ўрганмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хотин-қизларни меҳнат бозорида рақобатбардош касб-хунарларга ўқитиш орқали бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда улар ўртасида тадбиркорликни кенг ривожлантиришга хизмат қилади.

Айни пайтда ёш ўқувчи қизларимизни бугунги кунда талаб юқори бўлган тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун тўғрақлар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, аёллар нафақат оила равақати, фарзандлар тарбияси билан машғул она ва уй бекаси, балки жамият ҳаётида ҳам ўз ўрнига эга бўлишлари, турли соҳаларга юксак муваффақиятларга эришишлари лозим.

**Насиба ЖУМАНИЁЗОВА,**  
Сурхондарё вилояти Денов туманидаги  
101-мактаб директори

## Янгийўл шаҳар Мактабгача ва мактаб таълими бўлими

*Сиз, азиз юртдошларимизни  
янгилашни ва яшарни айёми —  
Наврўзи олам билан муборакбод этади.  
Жонажон диёримизнинг ҳар бир гўшаси  
тароват ва файзга буркансин.  
Фарзандлар камоли йўлида  
меҳнат қилаётган фидойи устозларимиз  
омон бўлисин.*

**Наврўзи олам  
муборак!**

Айрим хорижий ўлкаларда бундай масканларга келаётганлар орасида маҳаллий аҳоли кўпчиликни ташкил этади. Нега бизда бундай эмас? Умуман, тарихга қизиқиш, уни ҳурмат қилиш, музей ва обидаларга ташриф буюриш кўникмаси қаерда ва қачон пайдо бўлади?

## МУЗЕЙГА БОРИШНИ ҚАЧОН ЎРГАНАМИЗ?

### Насабини билмаган бола

Машина устахонаси ёнига оқ «Нексия» келиб тўхтади. Рулдан 70 ёшлардан ошган отахон тушиб келди, самимий чехра билан салом-алик қилгач, қимтинибгина узрини айтди.

— Узр, болаларим, жанозага боряпман, машина сал қийналганга ўхшади. Рухсат берсаларингиз, устага бир кўрсатиб, тадбирга етиб борсам.

...Табиийки, биз, устага ишимиз тушган бошқа мижозлар отахонга эътироз билдирмадик. Аксинча, ҳурматига ҳавасимиз келди. Уста ҳам чаққонлик билан отахоннинг машинасига уннай кетди. Бобо уста боланинг чаққон ҳаракатлари, пишиқлигига ҳавас қилди, шекилли, унга гап ташлади.

— Яша, болам, кам бўлма, ақлли уста экансан. Қаердансан, кимнинг ўғлисан? Уста кўли ишда бўлса ҳам ота-онаси, қариндошлари қаерданлиги ва кимданлигини айтиб ўтди. Отахон уларни танимас экан. Шунинг учун бобосини сўради. Йигит ҳам бобосини кўрмаганлигини, у киши вафот этганини айтди. Отахоннинг бошқа сўровлари ҳам жавобсиз қолди, негаки уста авлодининг касб-у кори, хунарини айтиб беролмади. Ҳатто учинчи-тўртинчи аждодларини ҳам билмас экан.

Отахон жиддий тортди. Сўнг ишлаётган устанинг елкасига кўлини кўйиб, деди:

— Болам, аждодни билмаслик катта айб. Ҳалиям кеч эмас, суриштириб кўр. Сулоланинг анъанаси сенинг ҳаётинг мағзини белгилайди. Боболарингга, ота-онангга ўхшашга ҳаракат қил. Фақат менинг гапларимдан хафа бўлма...

Машина соз ҳолатига келгач, отахон иш ҳақини бериб, уста баробарида бизни ҳам дуо қилиб, тадбирига шошилди. У кишининг сўнгги гаплари ҳаммамизга таъсир қилди.

### Баҳона билан иш битмайди

Биз музей ва обидаларнинг ёшлар учун чинакам дарсхона эканини кўп гапиримиз. Ҳатто байрамларда ёки ёзги таътилда ўқувчиларни бундай масканларга бепул олиб бориш чоралари ҳам кўрилади. Бу албатта, вақтинчалик тадбир. Гарчи халқ таълими тизимидаги дастурларда ўқувчи-ёшларни тарихий обидаларга, музейларга олиб бориш мажбурияти юкланган бўлса-да, на тизим раҳбарлари, на ўқитувчилар бу масала билан жиддий шуғулланишмайди.

Шунинг учун бу борада соҳа фикри билан қизиқдим.

— 5,11-синф ўқувчилари учун ўқув режада музей ва маданий мерос объектларида амалий машғуллот ўтиш белгиланган, — дейди тарих фани ўқитувчиси Д.Нарзиева. — Чунки экспонатлар ёки обиданинг ўзи ўқувчиларда тарихимизга бўлган тасаввурни бойитади. Минг афсуски, кўп ҳолларда бундай натижага эриша олмаяпмиз.

Самарқанд вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси берган маълумотга кўра, ўқувчиларнинг 50 минг нафардан ортиғи ўқув йили давомида диққатга сазовор масканлар, маданий мерос объектлари ва музейларга саёҳатга борган. 10 фоизи бу тадбирларга жалб этилмаган. Аммо мен ўша 50 минг нафар болаларнинг ҳам тўлиқ борганига ишонмайман. Чунки бу иш учун механизм мукамал яратилмаган.

Ўқувчиларнинг бу хилдаги масканларга бориши учун, биринчидан, тарих фани ўқитувчиси жуда фидойи бўлиши, тизим бошқарма ва бўлимлари транспортга маблағ ажратиши зарур. Аммо бу ҳолат кўзга ташланмайди. Ажратилган маблағ бошқарма ҳисобига тургани учун уни мактабга олиш, транспорт корхонаси билан шартнома тузиш ва бошқа ташвишлар анча вақт олади. Бинобарин, ўқувчи-ёшларни маданий мерос объектларига тўловсиз киришини таъминлаш



Президентнинг 2023 йил 8 майдаги фармонида ҳам белгиланган. Аммо ҳанузгача шаҳар ва туманларда мактаблар учун мунтазам равишда болаларни бундай жойларга олиб бориб келишга транспорт воситаси ажратилмаган. Натижада ҳисобот сўралганда рақамларни истаганча кўйиб топшираверамиз.

### Музей музейдек бўлиши керак

Агар ижтимоий тармоқларни кузатсангиз шунақа чиройли хорижий музейларни кўрсатишадик, ўша заҳотиёқ у ерга бориш ҳаваси уйғонади кишида. Музейнинг кўриниши, унга кириш-чиқиш тартиби, ичидаги хавасторлар экспонатлар, табиийки, эътиборингизни қаратади. Ҳатто буни хорижга бориб келган ҳамюртларимиз ҳам таъкидлашяпти, аниқроғи, мақташяпти.

Энди ўзингизга савол беринг: биз қайси бир музейимиз ҳақида ана шундай тасаввурга эгамиз? Фуқароларимизнинг, болаларимизнинг музей ва обидаларга боришга унча даражада қизиқмаётганлигининг сабаби ҳам бундай масканларнинг диққатдорлар эмаслигида эмасмикин? Бу ҳақда Самарқанд давлат музей кўриқхонаси бош муҳофиз, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Маҳмудхон Юнусовнинг фикрларини ўргандик.

— Юртимизда илк музейлар ташкил топганига 140 йил бўлди, — дейди у киши. — Албатта, уларни замонавий тусга келтириш бўйича жуда кўп иш қилинган. Маданий-мерос агентлиги тузилди, маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси очилди, технология

жиҳозлари ҳам келтириляпти. Бундан ташқари, хориждан кўр-газмалар уюштиряпмиз, кўплаб музейлар таъмирланяпти.

Аммо мутахассис сифатида таъкидламоқчиманки, биз ҳали музейларимиз жозибадорлиги, мазмундорлиги ва оммавийлигини таъминлаш учун жуда кўп иш қилишимиз керак. Шу ўринда бир мисол айтиб ўтсам, яқинда Парижда олти метрлик Афросиёб девори ва бошқа шу даврга оид ашёларни намойиш қилдик. Каталоглар чиқардик. Францияликлар шунчалик қизиқдиларки, ашёларимиз каталоги тўрт марта қайта нашр қилиниб, қирқ минг нусхада сотилди. Бизда эса бутун бошли вилоятдаги бирорта музейга экскурсовод штати ажратилмаган. Сайёҳлик фирмалари экскурсоводлари эса билимда ҳали талабга жавоб бермайди.

Музейларимизни замонавий қилиш учун нафақат уларни таъмирлаш, замонавий технологиялар билан курулантириш, атрофини обод қилиш керак, балки хизмат кўрсатишнинг ҳам самарали усулларини жорий қилишимиз лозим. Бизнинг эса кўзимиз бундан 30-40 йил олдинги ҳолатларга кўникиб қолган. Агар ёритиш мосламаларини ҳисобга олмайдиган бўлсак, экспонатлар тарғиботида ўзгаришлар кам.

Мутахассис фикридан аёл бўляптики, бизда ҳам музей ва тарихий обидаларни оммавий зиёрат масканларига айлантириш чоралари кўрилиши керак. Токи бу ерга келувчи ҳар бир инсон аввало кўп маълумотга эга бўлиши, ўз халқи тарихи билан ғурурланиши, маънавий эҳтиёжини қондириши ва шунинг баробарида, авлодларнинг ҳам ана шу анъаналарга содиқлигини таъминлаши лозим.

Фазлиддин РЎЗИБОВ

# МАЪНАВИЯТ ЯНГИ КУЧГА, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ ШАРТ

Давлатимиз раҳбари Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисида “Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши шарт!” деган эди.

Шу мақсадда ички ишлар органлари ходимлари ўртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, дунё миқёсида шиддат билан кечаётган таҳликали жараёнлар маънавий-маърифий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ички ишлар тизимини тубдан ислоҳ этиш, соҳани янги босқичга олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур вазифани амалга оширишда ички ишлар органлари ходимларининг маънавий-маърифий дунёкарашини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, ички ишлар органлари ходимларига ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида сингдириш, мамлакатимиз ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда уларнинг билимларини ошириб бориш, ён-атроф ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини устувор йўналишларидан бири ҳам маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқишдан иборат.

Бугунги кунда мамлакатимизда ички ишлар ходимларнинг замонавий кифасини яратишга қаратилган дастурий ҳужжат Тараққиёт стратегиясининг II йўналиши “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш”нинг 17-мақсади: “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги кифасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш”, деб номланади. Унда ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш вазифаси белгиланган.

Сир эмаски, мафкуравий таҳдидлар авж олаётган бугунги даврда қайси соҳа вакили бўлмасин, ҳар бир ин-

сон, аввало, ўз салоҳияти, маънавий дунёкараши, ахлоқий фазилатларини юксалтириб бориши, юзага келаётган турли хатарларга қарши мустаҳкам иммунитет ҳосил қилиши керак. Зеро, бугунги кунда янги тараққиёт сари дадил одимлаётган мамлакатимизда ички ишлар органларига бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги қарори асосида ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси тасдиқланди. Мазкур концепцияда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг маънавий салоҳияти ва мафкуравий иммунитетини кучайтириш, уларнинг онгида Ватан тақдири ҳамда келажак учун дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлаш каби улуғ мақсадлар ўз аксини топган.

Шунингдек, концепция ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, соҳадаги ишларнинг устувор йўналишлари ва асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган. Концепцияда ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган барча ходимлар ва ҳарбий хизматчиларнинг умумий дунёкараши, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, ғурур, ифтихор, касбига нисбатан садоқат ва юқори масъулият ҳисларини ошириш билан боғлиқ вазифалар белгилаб берилди.

Энг муҳими, концепция миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг маънавий салоҳияти ва мафкуравий иммунитетини кучайтириш, уларнинг онгида Ватан тақдири ҳамда келажак учун дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ фаолиятнинг устувор йўналишларини акс эттиради.



Концепциянинг асосий мазмуни сифатида ходимларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш, фаол ҳаётий позицияси, интеллектуал салоҳиятини, Ватан тақдирига бўлган масъулиятини мустаҳкамлаш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш, уларни фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан виждонан бажаришга йўналтириш бўйича маънавий-маърифий ишларни ташкил этишни ифодалади.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бурчимиз!” концептуал ғояси асосида ташкил этилиб, унда давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилляпти.

Қувонарлиси, бугун мамлакатимизда ички ишлар органларининг фаолияти очик ва ошкоралик йўсинида, фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этилмоқда. Одамларни эшитиш бошланди. Уларнинг зарур муаммолари, дарду ташвишларини ўрганиш тизими яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, тараққиёт сари дадил одимлаётган янги Ўзбекистонда бугунги кунда халқчил ички ишлар органлари тизимини яратиш — бош ғояга, “Ватан ва халққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бурчимиз” концептуал ғояси ички ишлар органлари ходимларининг ҳаракат дастурига айланиб бормоқда.

**Максуд МУСАЕВ,**  
**Самарқанд шаҳар бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 7-сон ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник**

## ЖАМИЯТ

### Муассислар:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат палатаси.

**Бош муҳаррир**  
**Максуд ЖОНИХОНОВ**

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-310  
Адади: 1015.  
Пайшанба кунни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табок.  
Баҳоси келишилган нархда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

**ISSN 2010-7722**

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани,  
Новза кўчаси, 14-уй  
Маълумот учун телефонлар:  
98-111-48-29  
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00  
1 2 3 4 5 6



*Шароф Рашидов номидаги  
Самарқанд давлат университети  
ректорати, профессор-ўқитувчилари,  
талаба-ёшлари*

барча ҳамюртларимизни эзгулик,  
қут-барака ва саховат рамзи —

## *Наврўз шодиёнаси*

билан муборакбод этади.  
Учинчи Ренессанс  
пойдеворига асос солинаётган  
Янги Ўзбекистонимиз илму  
маърифатда тараққий  
этаверсин, юртимиз доврўғига  
довруқ қўшилаверсин.  
Инсон қадрини  
ўйлаб амалга оширилаётган  
ислоҳотлар бардавом бўлсин.

*Наврўз муборак!*

